

**ШАРТНОМА**   
(Компенсация тўловлари бўйича хизмат кўрсатиш хақида)

11 май 2021 йил

Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги, кейинги ўринларда “Буюртмачи” Низом асосида иш юритувчи директори А.Саъдуллаев бир томондан, Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки раисининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчи кейинги ўринларда “Ижрочи” 2021 йил 21 февралдаги 03-18-1/3-сонли ишончнома асосида иш юритувчи Д.Акрамов иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар бўйича туздилар:

**1. Шартнома мазмуни**

1.1. “Буюртмачи” ушбу шартномага асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 13 апрелдаги “Халқаро имтиҳон тизимлари бўйича юқори балл (даража) тўалаган ёшларга имтиҳон топшириш харажатларини тўлиқ қоплаб бериш тартибини жорий этиш тўғрисида”ги 209-сонли қарорига асосан Ариза берувчи ёшларга, кейинги ўринларда “Ариза берувчи”ларга компенсация маблағларини тўлаб бериш учун “Ижрочи”нинг филиалларига маблағлар молиялаштириб беради.

1.2. “Ижрочи” эса молиялашган маблағларни банк филиаллари орқали компенсация маблағларини нақд пул ёки нақд пулсиз шаклда тўлаб беришни амалга оширади.

**2. Компенсация маблағларини тўлаш тартиби**

2.1. Компенсация маблағларини тўлашга асос бўлувчи хужжатлар:

- а) “Ариза берувчи”нинг шахсини тасдиқловчи хужжати;
- б) “Буюртмачи” томонидан тақдим этилган тасдиқланган махсус сертификат эгаси бўлган “Ариза берувчи”ларнинг электрон реестр ёки қайднома.

2.2. “Ижрочи” компенсация маблағларини “Буюртмачи” томонидан тўлиқ молиялаштиригандан сўнг тақдим этилган реестр ёки қайдномага асосан тўлаб беради.

2.3. “Ариза берувчи”нинг аризаси асосида “Ижрочи” Халқ банкининг исталган филиалида пластик ҳисобварағи очиши мумкин.

2.5. “Ариза берувчи” “Ижрочи”нинг туман (шаҳар) филиалларига компенсация маблағларини олиш учун шахсан ўзи кела олмаса, тўлов “Ариза берувчи”нинг ишончномаси билан бошқа шахсга берилиши мумкин:

а) бошқа шахсга компенсация маблағларини тўлаш фақат “Ариза берувчи”нинг бир марталик ишончномаси билан амалга оширилади.

б) “Ариза берувчи”нинг ишончномаси нотариус, маҳалла фуқаролар йиғини, даволанаётган тиббиёт муассасаси томонидан масъул шахс томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши шарт.

в) хорижга узоқ муддатли сафарга кетган “Ариза берувчи”ларга берилган ишончнома консуллик томонидан тасдиқланган бўлиши шарт.

2.6. “Буюртмачи” томонидан компенсация маблағларининг умумий миқдорини ҳар ойнинг 5 ва 20 санасигача “Ижрочи”нинг туман (шаҳар)

филиалларида махсус очилган ҳисобварағига ўтказиб берилади. Шунингдек, ҳар ойнинг 5 ва 20 санасигача “Ариза берувчи”ларнинг рўйхатини электрон реестр ёки қайднома тарзда “Ижрочи”нинг туман (шаҳар) филиалларига тақдим этилади.

2.7. Компенсация маблағлари молиялашгандан сўнг, компенсация маблағларини тўлаш “Ижрочи”нинг филиаллари томонидан 180 кун давомида бўлган даврда амалга оширилади, ҳамда ушбу муддат тугаганидан сўнг, “Ариза берувчи”лар томонидан олинмаган компенсация маблағлари “Буюртмачи”нинг тегишли ҳисобварағига қайтарилади.

2.8. “Ижрочи” компенсация маблағларини “Ариза берувчи”нинг аризасига асосан, унинг пластик картасига ўтказиб бериши ёки нақд пул шаклида тўлаб бериши мумкин.

### **3. Томонларнинг ҳуқуқлари**

3.1. “Буюртмачи” “Ижрочи” билан тегишли компенсация маблағларини “Ариза берувчи”га тўланганлиги юзасидан ҳар бир туман (шаҳар) филиаллари кесимида ва “Ариза берувчи”ларнинг Ф.И.Ш ва маълумотларини, шунингдек, тўланган, тўланмай қолган маблағлар қолдиғини кўрсатган ҳолда ҳар ойнинг охирида Солиштира далолатнома тузиш ҳуқуқига эга.

3.2. “Ижрочи” “Буюртмачи” томонидан шартнома шартларини бажармаган тақдирда ҳисоб-китоб операцияларини амалга оширмасликка, шунингдек доимий равишда кўрсатилган хизматлар учун пул тўламаган (ёки бузилган ҳолларда) компенсация маблағларини тўлашни тўхтатиб туришга ҳақлидир.

3.3. “Ижрочи” кўрсатилган хизматлар учун банк хизмат ҳақини тўлаб бериш бўйича “Буюртмачи”дан ҳар ойда тузиладиган Солиштира далолатномага асосан нақд пул шаклида тўлаб берилганда тўлаб берилган суммадан 0,9 фоиз ва нақд пулсиз шаклида тўлаб берилганда тўлаб берилган суммадан 0,5 фоиз миқдорида банк хизматлари учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

### **4. Томонларнинг мажбуриятлари**

4.1. “Ижрочи” қуйидагиларни ўз зиммасига олади:

а) “Буюртмачи” томонидан молиялаштирилган санадан бошлаб 180 кун мобайнида “Ижрочи”нинг тегишли туман (шаҳар) филиалидан “Ариза берувчи”лар томонидан талаб қилиб олинмаган компенсация маблағлар “Ижрочи”нинг тегишли туман (шаҳар) филиали томонидан бундай “Ариза берувчи”ларнинг рўйхатини илова қилган ҳолда “Буюртмачи”нинг тегишли ҳисобварағига қайтарилади.

б) “Буюртмачи”нинг хабарига кўра ёки бошқа маълумотлар асосида, “Ариза берувчига” компенсация маблағини олиш ҳуқуқини йўқотганлиги маълум бўлса (ўлим, муддати тугаганлиги, қамоқ ва ҳк). “Ижрочи” туман (шаҳар) филиаллари томонидан компенсация маблағларини тўлашни тўхтатади ва “Буюртмачига” қайтаради.

4.2. “Буюртмачи” қуйидагиларни ўз зиммасига олади:

а) “Ижрочи”нинг туман (шаҳар) филиалларида махсус очилган ҳисобварағига “Ариза берувчи”ларга тўланиши керак бўлган компенсация маблағларини ўз вақтида молиялаштириб беради;

б) компенсация маблағларини тўлаш шартлари ўзгарган тақдирда, “Ижрочи”га ўзгаришлар тўғрисида ёзма хабар беради.



## 5. Шартнома муддати

5.1. Ушбу шартнома тарафлар томонидан имзоланиб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғаначилигидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради ва томонларнинг шартнома шартлари бўйича эътирозлари бўлмаса шартнома 2021 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

5.2. Томонлар ушбу шартномани бир томонлама бекор қилишда иккинчи томонни 30 (ўттиз) календарь кунидан кечиктирмаган ҳолда ёзма хабардор қилишлари шарт.

## 6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1. Тарафлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар ҳисобланади.

## 7. Низоларни ҳал қилиш тартиби

7.1. Ушбу шартномада тартибга солинмаган ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

## 8. Махфийлик

8.1. Томонлар ушбу шартноманинг предметига оид маълумотларнинг махфийлиги юзасидан тенг жавобгар ҳисобланади.

## 9. Яқуний қоидалар

9.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда тузилиб тарафлар томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Барча ўзгартириш қўшимчалар ва иловалар мазкур шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

9.2. Ушбу шартномада назарда тутилмаган ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

9.3 Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган бўлиб, тарафларда бир нусхадан сақланади.

## 10. Томонларнинг юридик манзиллари

### «Буюртмачи»

Ўзбекистон Республикаси

Ёшлар ишлари агентлиги Марказий Аппарати  
100011, Тошкент ш. Навои кўчаси, 11-уй  
ХККМ Марказий банк Тошкент ш. Бош бошқармаси,  
ИФУТ: 84111 МФО: 00014, СТИР: 207 323 290  
Ш/х.р: 100010860262777049995225003  
Молия вазирлиги Ғазначилиги амалиёт бошқармаси  
Ғазна х/р: 23 402 000 300 100 001 010  
ХККМ Марказий банк Тошкент ш. Бош бошқармаси  
МФО: 00014, СТИР: 201 122 919

Директор

А. Саъдуллаев

2021 йил



*(Handwritten signature)*

### «Ижрочи»

Ўзбекистон Республикаси

Акциядорлик тижорат Халқ банки  
100097, Тошкент ш. Чилонзор тумани,  
Қатортол кўчаси 46 уй.  
Акциядорлик тижорат Халқ банки  
Бош амалиётлар бошқармаси  
МФО 01125, СТИР 207215726,  
ОКЭД: 64190 тел. 78-120-17-00 (11-85)

Раиснинг биринчи ўринбосари в.б

Д. Акрамов

2021 йил



*(Handwritten signature)*















